



**15-16 APREL  
2022**

**TOSHKENT  
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR  
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

**XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM  
VAZIRLIGI  
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

**O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI**

**“TADQIQOT.UZ”  
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:  
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH  
ISTIQBOLLARI**

**II  
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI**

**TO‘PLAMI**

**Toshkent - 2023**

**Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:**  
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil,  
Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

**Tahrir kengashi:**

g.f.d., professor Hikmatov F.H.  
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.  
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

**Kengash a'zolari:**

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.  
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.  
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.  
PhD, dotsent Prenov Sh.M.  
PhD, dotsent Raxmonov D.N.  
PhD, dotsent Raxmonov K.R.  
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

**Mas'ul muharrir:**

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

## ЧОРВОҚ ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАСИНИНГ ДАРЁЛАРИ ВА УЛАРДАН ТУРИЗМДА ФОЙДАЛАНИШ

**Шомуродова Шаҳноза Ғайратовна**

Чирчиқ давлат педагогика институти География кафедраси

г.ф.ф.д (PhD)

E-mail: zangori\_olov89@mail.ru

**Аннотация:** Мақолада Чорвоқ эркин туристик зонасида жойлашган дарёлар ҳақида умумий тушунча берилган. Шунингдек, дарёлардан туризмда фойдаланишнинг ахамиятли томонлари кенг ёритилган.

**Калит сўзлар:** Дарё, сой, дарё ёнбағри, водий, рафтинг, треккинг, экотуризм, миандра, шаршара, муз, қор, ёмғир, қир, адир, қоялар.

## RIVERS OF CHORVAK FREE TOURIST ZONE AND THEIR USE IN TOURISM

**Shomurodova Sh.**

**Abstract:** The article gives an overview of the rivers located in the Charvak free tourist zone. Important aspects of the use of rivers in tourism are also widely covered.

**Key words:** Rivers, streams, river slopes, valleys, rafting, trekking, ecotourism, miandra, waterfalls, ice, snow, rain, hills, hills, rocks.

**Қириш.** Табиат ўзининг хушманзаралиги билан ҳаммани ҳайратга соладиган хусусиятга эга. Ана шундай масканлардан бири Чорвоқ курорт-эркин туристик зонасида жойлашган дарёлардир. Бугунги кунда Чорвоқ эркин туристик зонасида туризмнинг ривожланиб бориши хорижий туристларни кўпроқ жалб қилмоқда. Айниқса, зонадаги йирик дарёларда туризмнинг рафтинг, треккинг каби турлари ички ва ташқи туризмни ривожланишига асос бўла олади.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Такдим этилаётган мақоланинг мақсади Чорвоқ эркин туристик зонасининг дарёлари ва улардан туризмда фойдаланиш имкониятларини очиб бериш. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим деб топилди: 1) Чорвоқ эркин туристик зонасида жойлашган дарёлар ва улардан туризмда фойдаланиш жиҳатларини очиб бериш; 2) Ўрганилаётган ҳудуддаги дарёларнинг рекреацион имкониятларини очиб беришнинг илмий-амалий таклифларини ишлаб чиқиш.

**Асосий қисм.** Сув объектлари энг муҳим туристик ресурслардан ҳисобланади. Чорвоқ эркин туристик зонасининг сув объектлари жуда нотекис

тақсимланган бўлиб, қиш узоқ давом этадиган ва ёз фасли салқин келадиган баланд тоғларида йирик музликлар вужудга келган. Тизмаларда атмосфера ёғинлар натижасида чуқур сойликлар ва тоғ қўллари пайдо бўлган.

Чорвоқ эркин туристик зонасида жойлашган дарёлар Талас Олатови, Қоржантоғ, Угом, Писком, Чотқол, Кўксув тоғларидаги муз ва қор сувларининг эришидан ва атмосферадаги ёғинлар натижасида тўйинади. Зонанинг дарёлари ҳақидаги умумий маълумотлар (1-жадвалга қаранг) берилган.

Чорвоқ эркин туристик зонасининг энг катта дарёси бу - Чирчиқ дарёсидир. Дарё Чотқол ва Писком дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, Сирдарёнинг энг катта ва серсув ирмоғидир. Чирчиқ дарёсига ўнг томондан Угам, Қизилсув, Қорақия, Оқтош, Шўралисой, чап томондан Қорамкулсой, Ғалвасой, Оқсоқотасой, Бошқизилсой каби ирмоқларини қўшиб олади.

Чирчиқ дарёсининг узунлиги - 397 км, майдони 18 минг км<sup>2</sup>. Чирчиқ дарёси асосан муз, қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Чирчиқ дарё ҳавзасида умумий майдони 173 км<sup>2</sup> бўлган 222 та кичик музликлар мавжуд бўлиб, улар асосан Чотқол ва Писком дарё ҳавзаларида жойлашган. Бу музликларнинг энг каттаси (Писком ҳавзасида) Аютур музлиги бўлиб, майдони 5,6 км<sup>2</sup> га тенг.

Чирчиқ дарё ҳавзасида Хўжакент ва Ғазалкент сув омборлари қурилган. Туристларга сув омбор табиатини параплан ва дельтапланда юқоридан томоша қилиш ўзгача завқ бағишлайди.

*Чотқол дарёси* - Қирғизистон Республикаси худудида, Талас Олатовининг жануби-ғарбий ёнбағридан Қорақулжа номи билан бошланади. Қорақасмоқ ирмоғи қўшилгач, Чотқол номини олади ва Чорвоқ сув омборига ўз сувини қуяди.

Дарё водийсининг ёнбағирлари кўп жойларда тик ва баланд тоғ ёнбағирлардан иборат, қисқа ирмоқлар, жарликлар билан парчаланган. Водийси кенг жойларда ёнбағирлари ётиқроқ, нисбий баландлиги 8-40 м бўлган террасалар ҳосил қилган. Эни 200-300 метрли қайирларда дарё ўзани бир неча майда тармоқларга ажралиб оқади.

Дарё ҳавзаси баланд тоғларда жойлашган бўлиб, ўртача баландлиги 2605 м. Умумий майдони 51 км<sup>2</sup> бўлган 119 та кичик музликлар мавжуд бўлиб, гляциологик туризмга қизиқувчи туристларга саёҳат қилиш имконини беради. Дарё қор ва муз сувларидан тўйинади. Чотқолнинг ўртача йиллик сув сарфи Назайтўқай қишлоғи ёнида 85 м<sup>3</sup>/сек, сув омборига қуйилиш жойида 126 м<sup>3</sup>/сек.

Чорвоқ эркин туристик зонасининг учинчи йирик дарёси *Писком дарёси* бўлиб, Талас Олатови билан Писком тизмасининг туташган жойидан бошланади.

Писком дарёсининг бошланиш қисмида Ойгаинг номи билан Майдонтол тизмасининг жануби-шарқий ва Писком тизмасининг шимоли-ғарбий ёнбағрларидан оқиб тушадиган сойларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ўрта

оқимида Майдонтол дарёси билан қўшилгач Писком номини олади. У шимоли-шарқдан жануби-ғарб томон оқади ва Чорвоқ сув омборига келганида Чотқол дарёси билан қўшилиб, Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Писком бошқа тоғ дарёлари каби чуқур водийдан оқиб ўтади.

Пискомнинг ҳавзаси анча баланд (ўртача баландлиги 2645 м) бўлиб, унда умумий майдони 130 км<sup>2</sup> га яқин 140 дан ортиқ кичик музликлар бор. Бу музликларнинг энг каттаси Аютор музлиги бўлиб, майдони 5,6 км<sup>2</sup> га тенг [2]. Тоғ музликлари туризм учун жуда аҳамиятлидир. Асосан, тоғ музликларининг қайтарилмас ноёб жиҳатлари, музликлар табиатининг нодир табиий ёдгорликлари туристларга янада қизиқиш уйғотади. Туристлар

**Чорвоқ эркин туристик зонасидаги дарё ва ирмоқларнинг туристик  
жиҳатлари**

№	Дарёлар номи	Узунлиги (км)	Ҳавзасининг майдони (км <sup>2</sup> ).	Тўлин сув даври	Кам суви даври	тўйиниши	Туризмдаги аҳамияти
1	Чирчиқ	397	18 минг	март-сентябрь	октябрь-февраль	муз, кор, ёмғир ва ер ости суви	Суви тез оқадиган типик тоғ дарёси бўлиб, тоғли қисмида чуқур, тор ва нишаб ўзанда тез оқади. Дарё атрофидаги хушманзара жойларни томоша қилиш, куёш тафтида тобланган ҳамда мусаффо тоғ ҳавоси билан тўйинган хушбўй майсаларни кўриш мумкин. Бу эса туристларга кўтаринги кайфият бағишлайди. Айниқса, параплан, дельтапланда саёҳат қилиш ва дарё ёнбағирларида кемпинг қуриб марокли дам олиш ўзгача таассурот қолдиради.
2	Чотқол	233	7110	март	январь-февраль	кор ва муз	Ёнбағирлари тик ва баланд. Қуйи қисмида бир неча террасалари бўлган кенг водийда чуқур ўзанда оқади. Дарё водийси дарали манзарага эга кўркам маскан бўлиб, булоқ, сой, қоялар буларнинг ҳеч бири туристларни бефарқ қолдирмайди. Дарё оқими бўйлаб юқорига йўлини давом эттирган туристлар шаршаралар атрофидаги ажойиб манзарани гувоҳи бўлади. Бу эса треккинг ихлосмандларини ҳайратга қолдиради.
3	Писком	120	2840	март-июль	январь-февраль	кор ва муз	Чуқур тоғ водийсида тошлар орасидан, серостона шаршаралар ҳосил қилиб, террасали кенг водийда оқади. Бу эса туристларнинг сершовкин сойларга ташрифи ва сувларнинг тошларга урилиб оқиш тезлигини кузатиш имконини беради. Айниқса, дарёнинг экотуристлик салоҳияти жуда юқори бўлиб, дарё ёнбағридаги тоғ тизмалари, кир-адирлари, сойлари, ноёб ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси ҳеч бир табиат шайдосини бефарқ қолдирмайди. Дарёдаги йирик сойлардан рафтингда фойдаланиш ва юқоридан дельтапланда дарё сувининг сержило кўринишини томоша қилиш туристларга завқ беради.

4	Угам (Оқбурхон, Тиканак)	70	870	март- август	сентябрь- февраль	муз-қор ва қисман ёмғир сувларида н	Дарё тез оқади, ўзанида бир неча остоналарни ҳосил қилган. Ўрта оқими водийсида кенг қайирлар, террасалар уларда тўқайлар, бутазорлар ва ўтлоқлар мавжуд. Дарё водийси бўйлаб санаториялар, дам олиш уйлари ва болалар оромгоҳлари жойлашган. Бу ерда ташриф буюрган туристлар сувнинг оқим тезлигини кузатиши ва санаторияларда марокли хордик чиқариши мумкин.
5	Кўксув	60	398	февраль ойининг охири, май-июнь	сентябрь- январь	қор ва муз	Дарё энг серостона бўлиб, 70 дан ортиқ жилга ва сойлар ўз сувини қуяди. Суви мовий рангда, атрофдаги табиати яшил дарахтлар билан қопланган. Дарё ва сой сувларининг сершовкин овози ва қўплаб сузиш ҳавзаларининг мавжудлиги табиат шайдоси бўлган туристларга ўзгача завқ бағишлайди. Ташриф буюрган туристлар дарё ёнбағридаги террасаларни, ўсимлик дунёсининг ранг-баранглигини, дарё оқимининг миандра шаклда ҳаракатланаётганини кузатиши ва бу жойда кемпинглар куриб туристларни мазмунли дам олишига имкон яратади.

*Жадвал: муаллиф томонидан тузилди.*



музликлар ҳосил қилган рельеф шакллари томоша қилиш билан биргаликда морфологик-генетик турлари ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Дарёга 40 дан ортиқ сой ва жилғалар келиб қўшилади. Улардан энг йириклари: Ихночсой, Қорақизсой, Тепарсой, Оқсарсой, Новалисой, Қорабулоқсой, Чақмоқсой ва бошқалар.

*Угам* (Оқбурхон, Тиканак) дарёси катталиги жиҳатидан Чорвоқ эркин туристик зонасидаги тўртинчи ўринда турадиган дарё. Дарё ҳавзаси ғарбдан-Қоржантоғ, шарқдан-Угом тоғ тизмалари билан чегараланган бўлиб, уларни ажратиб туради. Бир неча булоқ сувларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. У Чорвоқ сув омборининг тўғонидан пастда Чирчиқ дарёсига қуйилади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи 43 м<sup>3</sup>/сек га, энг кўп суткалик сув сарфи апрель ва июнда бўлиб, 177 м<sup>3</sup>/сек дан 54,5 м<sup>3</sup>/сек гача етади.

*Кўксув дарёси* – Чорвоқ эркин туристик зонасининг энг серостона дарёси ҳисобланади. Кўксув дарёси Писком тоғ тизмасининг жануби-шарқий ёнбағридан бошланади. Писком билан Мингтухум тоғ тизмалари оралиғидан жануби-ғарбга томон оқади. Чорвоқ сув омбори барпо этилиши билан Кўксув дарёси Бурчмулла қишлоғидан бир оз куйида Чорвоқ сув омборига ўз сувини қуядиган бўлди. Ўртача йиллик сув сарфи 12 м<sup>3</sup>/сек. Кўксув дарёсига умумий узунлиги 130 км бўлган 70 тача сой ва жилғалар қуйилади. Буларнинг энг йириги – Кулосиёсой (11 км).

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқган ҳолда шуни айтиш мумкинки, жадвалда келтирилган дарёларнинг тўйиниши бир-бирига ўхшасада, лекин табиий географик ўрни жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Дарё водийларининг профилли характери: юқори чуқурликда бир қатор йирик дарёларни (Майдонтол, Ойгаинг, Санталаш) чуқур водийларнинг тубида мавжуд бўлган сокин оқимга эга. Дарёларнинг ўртача ва пастки қисмида оқим тезлиги тезроқ бўлади. Бунинг сабаби, дарё конгломератларининг қалинлиги (50-100 м гача) ҳосил бўлиши ва улардаги чуқур каньонларни ҳосил қилади. Ушбу қисмдаги дарё водийсининг хусусияти қадимги террасалар бўлиб, улар дарё ҳавзасидаги бир неча горизонтал қадамларни ташкил этади. Шундай қилиб, Чирчиқ дарёси юқори оқимининг 20 террасасигача боради. Террасаларнинг 4-5 поғонаси алюминий, қолгани эрозив ҳолда учрайди [1].

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Чорвоқ эркин туристик зонасида туризмни ривожлантириш учун дарёлар, кўллар ва сойлар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, баҳор фаслида зонанинг дарёларидан рафтинг мақсадида фойдаланиш, шунингдек, дарёларнинг ўзига хос бўлган экзотик табиати туристларга жуда катта таассурот қолдиради ва туристлар сонининг кескин кўпайишига имкон яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Васильковский Н.П., Толстихин Н.И. Тектоника. Четвертичные отложения. Геоморфогенез.-В сб.: Гидрогеологический очерк Чирчик-Ангрено-Келесского бассейна, вкп.4. Ташкент, 1937.

2.Щетинников А.С. Ледники бассейна реки Пскем.-Л.: Гидрометеиздат, 1976. - 120 с.